



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



OILA VA XOTIN-QIZLAR
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI

USAIDнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури ҳамда
“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти
“Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар”
доирасида амалга ошириладиган
**“Комплекс гендер ёндашви гендер тенглигига эришишнинг самарали
воситаси сифатида” мавзусида**
Халқаро конференция ишида иштирок этишга таклиф этади.

Ташкилотчилар: USAIDнинг Ўзбекистодаги Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти

Ўтказилиш санаси: 2023-йил 24-ноябр

Ўтказилиш жойи: International меҳмонхонаси, Crystall Ballroom.

“Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” ҳар йили фуқаролик жамияти ташабbusи билан ўтказиладиган Халқаро тарғибот кампаниясидир. У 25-ноябр, Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш кунида бошланиб, 10-декабр Инсон ҳуқуқлари кунида тугайди ва бу аёлларга нисбатан зўравонлик бутун дунёда энг кенг тарқалган инсон ҳуқуқлари бузилиши эканлигини кўрсатади.

Фуқаролик жамиятининг ушбу ташабbusини қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ Бош котиби Антониу Гуттерриш бошчилигида БМТ Бош котибининг “2030-йилгача аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун бирлашамиз” (UNiTE) ташабbusи аёлларга нисбатан зўравонликни бутунлай тугатиш учун хабардорликни ошириш, қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни кучайтириш, билим алмашиш ва инновациялар бўйича глобал ҳаракатларга чақиради. UNiTE ҳукуматлар, ривожланиш жараёни субъектлари, фуқаролик жамияти, аёллар ташкилотлари, ёшлар, хусусий сектор, оммавий ахборот воситалари ва бутун БМТ тизимини хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашда кучларни бирлаштиришга даъват этади.

2023 йилда UNiTE кампанияси мавзуси "Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга сармоя киритиш" ҳисобланади ва биринчи навбатда зўравонлик содир бўлишининг олдини олиш учун турли хил профилактика стратегияларини молиялаштириш муҳимлигига эътибор қаратилади. UNiTE кампаниясининг асосий тамойилларидан қуйидагилар белгиланган:

- 16 кунлик фаол ҳаракатларда хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва тўхтатишда **аёллар ҳаракати ва уларнинг етакчилигини хурмат қилиш ва эътироф этиш**;

- “Хеч кимни беэътибор қолдирмаслик”, инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни қабул қилиш;
- **Жабрланувчилар манфаатларига асосланган ёндашувдан фойдаланиш** - жабрланувчига нисбатан хурмат қилиш ва “Зарар етказмаслик” ёндашувини қўллаш;
- **Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича давлатлараро ва оммавий стратегияларни ишлаб чиқиш ва кучларни бирлаштириш;**
- Хотин-қизлар учун адолатли гендер меъёрлар ва фундаментал, барқарор ўзгаришлар динамикасини яратиш ёки мустаҳкамлаш учун **гендер роллари, режимлари ва амалиётлар ҳақида танқидий фикр юритишини рағбатлантириш**.

USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар Дастури миллий ҳамкорлар билан биргаликда **“Хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар”** доирасида ҳалқаро конференция ўтказишни режалаштиromoқда. Конференция мавзуси “Комплекс гендер ёндашуви - гендер тенглигига эришишнинг самарали воситаси сифатида” – интеграциялашган гендер ёндашуви нуқтаи назаридан аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича сиёсат ва стратегияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Гендер бўйича комплекс ёндашуви (инглизча – Gender Mainstreaming)нинг моҳияти гендер тенглиги моҳияти жамиятнинг барча соҳаларига тегишли эканлигини инобатга олган ҳолда, тахлил қилиш, режалаштириш, бюджетлаштириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлар қабул қилиш жараёнида гендер жиҳатларини эътиборга олиниши зарурлигини билдиради.

Давлат хизматчилари ўз фаолиятида гендер жиҳатларни аниқлашга қийналаётган шароитда тармоқ сиёсати, стратегия ва дастурларига комплекс гендер ёндашувни жорий этиш жуда қийин вазифа ҳисобланади, чунки амалиётда гендер масалаларига, энг яхши ҳолатда, фақат ижтимоий соҳада эътибор қаратиш ривожланган. Аммо, иқтисод, сиёсат ва хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган ҳар қандай қарорлар аёллар ва эркакларга турлича таъсир қиласи.

Ушбу қийинчилклар объектив ва субъектив характерга эга бўлиб, уларни бартараф этиш маълумотларни тўплаш, тахлил қилиш, стратегик режалаштириш, лойиҳалаш, мониторинг ва баҳолаш мезонларини ўзгартириш билан боғлиқ тизимли ҳаракатларни талаб қиласи. Аммо, биринчи навбатда, “гендер” атамасининг ўзини нотўғри талқин қилиш ва нотўғри тушуниш натижасида юзага келадиган ички қарама-қаршиликни енгис керак. Бу мутасадди вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган давлат хизматчилари салоҳиятини ошириш бўйича ишларни олиб боришни тақозо қиласи.

Конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашда самарали восита сифатида

интеграциялашган гендер ёндашувининг моҳияти ва уни қўллаш бўйича илғор тажрибаларни, хорижий экспертлар, маҳаллий мутахассислар, академик ҳамжамияти ва фуқаролик жамиятлари институти аъзолари иштироқида муҳокама қилишдан иборат.

Конференция умумий ялпи сессия ва учта шуъбаларда ишлашни ўз ичига олади.

- Гендер тенглигига эришишда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш;
- Комплекс гендер ёндашувини қўллаш ва самарали гендер сиёсатини ишлаб чиқиш учун маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни.

Конференция якунлари бўйича комплекс гендер ёндашувидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда гендер сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар акс эттирилган маъруза тезислари билан конференция материаллари тўпламини нашр этиш режалаштирилган.

Юритиладиган тиллар: ўзбек, рус, инглиз тиллари

Тезис ва тақдимотлар тайёрлаш учун конференция иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- **2023 йил 5 ноябрга** қадар “Халқаро конференцияда иштирок этиш” мавзусидаги эслатма билан ташкилотчиларга маъруза тезисларини тақдим этиш;
- Мақолалар **ҳажми** А4 форматида 5–6 саҳифадан иборат бўлиши керак, шу жумладан материал охиридаги библиографияни ўз ичига олиши лозим.
- **Дизайн:** қатор оралиғи -1,5; шрифт – Times New Roman; шрифт ҳажми - 14 pt; четлари - ҳар томондан 20 мм; ориентация - китоб; параграфнинг чегараси - 1 см; матн кенглиги текисланган; Саҳифа рақамлари киритилмаган бўлиши керак.
- **Сарлавҳа** ўртада қалин Times New Roman шрифтида ёзилиши керак. Сарлавҳадан кейин муаллифнинг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилади.
- Фойдаланилган адабиётларга **ҳаволалар** тўртбурчак қавслар [] ичига олинган рақамлар билан форматланиши керак.
- **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.** Агар матнда фойдаланилган адабиётга ҳавола бўлса, унда асосий матндан кейин марказда "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати" сарлавҳасини ёзиш ва манбаларнинг рақамланган рўйхатини жойлаштириш керак.

- Тезис мазмуни конференциянинг асосий маъruzаси **мавзусини** акс эттириши керак. Диссертация охирида амалий тавсиялар берилиши керак.
- Муаллифлар мақолалар ва тезислар мазмуни ҳамда маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсан **жавобгардирлар**.
- **2023 йил 15 ноябргача** маъруза тезисларини акс эттирувчи тақдимотни ташкилотчиларга тақдим этиш талаб қилинади.

Ташкилотчилар ҳақида маълумот:

Минавар Раҳимова, мобил. +998 90 995 01 36

Электрон почта: minavar.rakhimova@tetratech.com

Хуршида Сайдивалиева, мобил. +998 90 328 61 85

Электрон почта: saydivalievahurshida@gmail.com